

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НОРОВА МАВЖУДА БАХОДУРОВНА**

**ГИПС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИДА**  
**СТОМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА**  
**ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2024**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of science (DSc)**

**Норова Мавжуда Баходуровна**

Гипс ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларида стоматологик  
касалликларнинг олдини олиш ва даволашни оптималлаштириш .....5

**Норова Мавжуда Баходуровна**

Оптимизация лечения и профилактики стоматологических заболеваний у  
работников гипс производительных предприятиях .....31

**Norova Mavjuda Bakhodurovna**

Optimization of treatment and prevention of dental diseases in gypsum workers at  
productive enterprises .....61

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
Lists of published works .....67

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НОРОВА МАВЖУДА БАХОДУРОВНА**

**ГИПС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИДА**  
**СТОМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА**  
**ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2024**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.DSc/Tib547 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий консультант</b>	<b>Хабибова Назира Насуллоевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар</b>	<b>Идиев Ғайрат Элмуродович</b> тиббиёт фанлари доктори (DSc)  <b>Ғаффоров Сунатулло Амруллоевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор  <b>Григорьев Сергей Сергеевич</b> тиббиёт фанлари доктори , профессор
<b>Етакчи ташкилот</b>	<b>Павел Йозеф Шафарик Университети</b> (Словакия республикаси)

Диссертация химояси 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ да Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 Илмий кенгашнинг 2024 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ кунини соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru).)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2024 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ кунини тарқатилди.  
(2024 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Т.Уроқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Қазакова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

**Б.З. Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ ( фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида уй-жой қурилиши объектлари, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва тиббиёт пунктлари учун қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу «...соҳада туб ислоҳотларни амалга оширишнинг аҳамияти, ушбу соҳадаги корхоналарда аҳоли бандлигини ошириш ишчиларнинг соғлиғини, шу жумладан тиш соғлиғини ҳимоя қилиш зарурлигини таъкидлайди...»<sup>1</sup>. Сўнгги йилларда умумий аҳоли ва саноат ишчиларининг айрим тоифалари учун стоматологик ёрдамни ташкил этишни такомиллаштириш, муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Иш шароитлари ва иш стажидан қатъи назар, саноат корхоналари ишчиларининг тиш ҳолатини таҳлил қилиш тиш касалликларининг пайдо бўлишини тушуниш учун муҳимдир. Охириги ўн йилликлар давомида маълум ҳудудларда кўплаб стоматологик тадқиқотлар олиб борилди, бу фуқароларнинг айрим тоифалари учун стоматологик хизматларни яхшилаш зарурлигини таъкидлади.

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, саноат корхоналарида тиш касалликларининг олдини олиш ва даволашни таъминлаш ва тегишли алгоритмлардан мунтазам фойдаланиш зарур. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясининг 7 та устувор йўналишнинг 56-мақсад, 4-қисмида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2023 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»<sup>2</sup> бўйича қатор вазифалар белгиланган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2020-йил 12-ноябрдаги ПФ-6110-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 10-ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ №4887-сон ва “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари 2020-йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сон қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий

<sup>1</sup> Олесов Е.Е., Шаймиева Н.И., Берсанов Р.У., Хавкина Е.Ю., Гришкова Н.О., Олесов А.Е. Клинико-экономическое обоснование профессиональной гигиены рта у молодых работников предприятий с опасными условиями труда // Российский стоматологический журнал. – 2013. – №6. – С. 39-41.

<sup>2</sup> «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

хужжатлар билан тасдиқланган вазифалар ижросига маълум даражада хизмат қилмоқда

**Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Дунёнинг етакчи университетлари ва илмий тадқиқот институтлари гипс заводлари ишчилари орасида тиш касалликларини аниқлаш, даволаш ва олдини олишнинг сўнгги усуллари ишлаб чиқишда фаол иштирок этмоқда. Бундай марказлар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: American Academy of Orthopedic Dentistry Surgeons (США); Tokyo Medical and Dental University (Япония); State University of New York (США); Queen Mary University of London (Великобритания); The university of Sydney (Австралия); Eastman dental institute (Великобритания); University of Glasgow (Шотландия); Department of gnathology, Sharad Pawar Dental College and Hospital, Wardha, Maharashtra (Индия); Johns Hopkins University School of Medicine (США); Stanford University Medical Center (США); University of Manitoba (Канада); University of Birmingham (Великобритания); The University of Pune (Индия); Павлов (РФ) номидаги Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети, Асфендияров (Қозоғистон) номидаги Қозоғистон давлат тиббиёт университети шунингдек Тошкент давлат стоматология институтида (Ўзбекистон).

Хорижий адабиётларда саноат ишчиларида тиш касалликларининг жиҳатларини қамраб олувчи илмий тадқиқотлар мавжуд. Масалан, 2017 йилда "Occupational Medicine" нашрида чоп этилган мақолада саноат чангининг ишчиларнинг оғиз бўшлиғи соғлиғига таъсири таҳлил қилинади. Айнан маълум бир соҳада бўлмасада, ушбу тадқиқот саноат чангининг тиш соғлиғига қандай таъсир қилиши ҳақида умумий тасаввур беради.

Айниқса, АҚШ ва Европада ўтказилган хавфсизлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадқиқотлар шуни кўрсатдики, узоқ вақт давомида саноат чангига таъсири остида ишлаган ишчилар стоматологик касалликларни, шу жумладан кариеслар, милк касалликлари ва тишларнинг эрта йўқотилиши хавфи юқорилиги аниқланди.

Гипс ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ишчилар турли хил тиш муаммоларидан, шу жумладан тишлар кариеси, пародонтоз ва милк касалликларидан азият чекиши аниқланган. Тадқиқотчилар иш шароитларини яхшилаш ва тиш касалликларининг олдини олиш бўйича бир қатор тавсиялар берилган.

---

<sup>3</sup> Диссертация иши бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: [www.pku.edu.cn](http://www.pku.edu.cn), [www.qdu.edu.cn](http://www.qdu.edu.cn), [www.cgu.edu.tw](http://www.cgu.edu.tw), [www.usj.edu.lb](http://www.usj.edu.lb), [www.umed.wroc.pl](http://www.umed.wroc.pl), [www.ku.dk](http://www.ku.dk), [www.snu.ac.kr](http://www.snu.ac.kr), [www.yonsei.ac.kr](http://www.yonsei.ac.kr), [www.ngt.ndu.ac.jp](http://www.ngt.ndu.ac.jp), [www.unife.it](http://www.unife.it), [www.univaq.it](http://www.univaq.it), [www.unibs.it](http://www.unibs.it), [www.udea.edu.co](http://www.udea.edu.co), [www.otago.ac.nz](http://www.otago.ac.nz), [www.iau.ac.ir](http://www.iau.ac.ir), [www.manchester.ac.uk](http://www.manchester.ac.uk), [www.sydney.edu.au](http://www.sydney.edu.au), [www.cu.edu.eg](http://www.cu.edu.eg); [www.ufrj.br](http://www.ufrj.br); [www.uva.nl](http://www.uva.nl); [www.portal.estacio.br](http://www.portal.estacio.br); [www.uwa.edu.au](http://www.uwa.edu.au); [www.unesp.br](http://www.unesp.br); [www.khu.ac.kr](http://www.khu.ac.kr). [www.tmu.edu.tw](http://www.tmu.edu.tw); <http://kaznmnu.kz/>, <https://www.tipme.uz/>, [www.tsdi.uz](http://www.tsdi.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

Умуман олганда, саноат чангига омилида ишловчи ишчиларда тиш касалликларини ривожланиш хавфи ортиши билан бир хил тенденция тасдиқланган. Тадқиқотлар ишчилар учун соғлиқни сақлаш чораларини кучайтириш зарурлигини таъкидлайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Охириги 20 йил давомида яқин ва узоқ хорижлик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг чуқур таҳлили натижасида турли соҳаларда ишлайдиган ишчилар ўртасида тиш касалликлари билан касалланиш ҳолатлари, унинг ўсишига туртки бўлувчи омиллар, касалликнинг диагностикаси ва қисман олдини олиш бўйича тадқиқотлар мавжудлиги аниқланди. Муаммонинг стоматологик жихатлари бўйича илмий ишлар асосан МДХ мамлакатлари, хусусан, Россия Федерацияси тадқиқотчилари томонидан нашр этилган. Касбий ва ишлаб чиқариш фаолияти сурункали оғиз бўшлиғи касалликларининг шаклланишига таъсир қилади. В настоящее время основными методами профилактики стоматологических проблем при работе во вредных условиях остаются полоскания ПР, защита респираторами и противогазами. Однако, согласно мнению многих ученых, эти подходы имеют недостатки и могут оказаться недостаточно эффективными [Ковалевская А. В., 2022].

Турли мамлакатларда ўтказилган стоматологик касалликларнинг эпидемиологик тадқиқотлари натижалари тиш кариеслари ва пародонт тўқималар яллиғланиш даражасидаги сезиларли фарқлар аниқланди. Бу ўзгаришлар турли омиллар, жумладан, табиий, ижтимоий, маиший, маданий ва ишлаб чиқариш таъсири билан боғлиқ [В. П. Баранчик, С. А. Касперович, 2018].

Ишлаб чиқариш омилларининг таъсири асосан иш жойларида ҳавонинг ифлосланиши, махсус кийимлар, тери ва шиллиқ пардалар орқали намоён бўлади. Ушбу ҳодиса жараёнларнинг технологик камчиликлари ва хавфсизлик тамойилларига нотўғри риоя қилиш билан боғлиқ [Пащенко Л.В., 2017]. А.Ш. Галикеев (2018), И.А. Журихин (2019), Р. Веддингтон (2020) ва S.-В. Lee (2020) томонидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлили, кимё корхоналарида ушбу соҳадаги ишчиларнинг 90% дан ортиғи тишларнинг қаттиқ тўқималарига зарарланишини аниқлади. КПУ индекси ишнинг давомийлиги, ёши, тананинг умумий ҳолати ва сўлакнинг хусусиятларига қараб, 2,0 дан 24,0 бирлик оралиғида ўзгариб туради. Ҳароратнинг ўзгариши ва устахонадаги иш шароитлари, шунингдек, ишчилар сўлагининг кислоталилик даражаси ва ўтказувчанлик қобилятининг ўзгариши, тиш қаттиқ тўқималари эмалининг салбий таъсирларга макро ва микро даражада тузилиши ва чидамлилиги, эмалда ёриқлар ва некрозининг пайдо бўлишига олиб келди [А. С. Холодов, 2019].

Саноат фабрикасида ишчилар орасида касалланиш таҳлилини ўтказишда З. Я. Юсупов, К. Н. Дабуров, Х. И. Ирсалиев (2019) ва Э. Ю. Чуянова (2016) ушбу корхонада ишчилар орасида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг кератоэроз билан касалланиш даражаси юқори эканлиги аниқланди ва бу назорат гуруҳидаги ишчиларига нисбатан 16 баравар кўплиги аниқланган. Шунингдек, ушбу касалликларнинг тарқалиши ва ишлаб чиқариш

шароитлари ўртасида бевосита боғлиқлик аниқланди. Олинган натижалар J.Werckmeister ва K. Rupprecht (2015), Германияда нефтни қайта ишлаш ишчилари ўртасида ўтказилган тадқиқот билан солиштирилган. Оғиз бўшлиғи органлари ва тўқималарида патологик ўзгаришларнинг сабаблари орасида ишлаб чиқариш муҳитининг омиллари бўлиши мумкин: шовқин, иситиш микроклими, тебраниш, токсик моддалар, асаб-эмоционал, ортиқча юк ва бошқалар (Гаффаров С. А., Нурматова Н.Т.,Олимов С.Ш. 2020).

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ кимёвий моддаларнинг оғиз бўшлиғи аъзолари ва тўқималарига таъсири натижасида тиш ва пародонт қаттиқ тўқималарга зарар етказадиган касалликларнинг пайдо бўлиши ва оғирлиги хавфи анча юқори ва бу омиллар асосан ривожланиш ва клиник курсга таъсир қилади (Гаффаров С. А., Саидов А. А., 2018; Ибрагимова Ф. И., 2016).

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтида 06.2021 DSc083 сонли «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** гипс ишлаб чиқариш корхоналари ишчилари ўртасида тиш касалликларини даволаш ва олдини олиш бўйича самарали стратегияларни такомиллаштиришдан иборат бўлган.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

гипс заводи ишчиларида физикавий ва кимёвий ишлаб чиқариш омиллари таъсирида юзага келадиган тиш касалликларини хусусиятларини нормал меҳнат шароитида ишлайдиган ишчиларга нисбатан аниқлаш;

пародонт касалликлари, тиш қаттиқ тўқималари ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини тарқалиш даражаси ва интенсивлигини Бухоро вилоятидаги гипс заводи мисолида ўрганиш;

Бухоро вилоятидаги гипс заводлари ишчилари ўртасида тиш касалликлари билан оғриган беморларни биокимёвий ва микробиологик текшириш натижаларини баҳолаш;

оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари билан боғлиқ патологик жараёнларда маҳаллий иммунитет ролини таҳлил қилиш;

MOS-SF-36 ва OHIP-14 индекслари ёрдамида гипс заводи ишчиларида тиш саломатлигининг беморларнинг ҳаёт сифатига таъсирини ўрганиш;

Бухоро вилоятидаги гипс заводлари ишчиларида тиш касалликларини ташхислаш ва олдини олишнинг махсус даволаш ва профилактика комплекс дастури ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 200 та гипс ишлаб чиқариш соҳасидаги турли ихтисосликларни акс эттирувчи (047 у шакл - ишчининг стоматологик кўрик карточкаси ) амбулатор карточкалар ва Бухоро давлат тиббиёт институти стоматология марказида рўйхатга олинган турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи сифатида 85 нафар беморлар назорат гуруҳи одамларни ўз ичига олган.

**Тадқиқотнинг предмети** тиббий ҳужжатлар, оғиз бўшлиғидан олинган суртма, оғиз суюқлиги, қон зардоби, ҳаёт сифатини ўрганиш мақсадида сўровнома.

**Тадқиқотнинг усуллари:** тадқиқот муаммоларини ҳал қилиш ва мақсадга эришиш учун клиник, стоматологик, биокимёвий, микробиологик, рентгенограммалар, қон зардоби ва ҳаёт сифати сўровномалари қўлланилади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

гипс заводи ишчиларининг физик ва кимёвий ишлаб чиқариш омиллари таъсирида тиш касалликларининг нормал меҳнат шароитида ишлайдиган ишчиларга нисбатан ўзига хос хусусиятлари асослаб берилган;

гипс заводи ишчиларида пародонтал касалликлар, тиш қаттиқ тўқимаси ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларининг тарқалиши ва интенсивлигининг юқори даражалари исботланган;

саноат ишчилари учун стоматологик парваришнинг муҳимлиги ва ўзига хослиги Бухоро вилоятидаги гипс заводи мисолида исботланган;

стоматология хизматини гипс заводи ишчиларида татбиқ қилиш, унинг зарурати, сифати ва профилактика йўналишини такомиллаштириш айниқса пародонт касалликларини даволашда таҳлил қилинган;

гипс заводи ишчилари учун махсус даволаш ва профилактика комплекс дастур ишлаб чиқилган;

санитария-эпидемиология хизмати томонидан аниқланган зарарли кимёвий омилларнинг гипс заводи ишчилари оғиз бўшлиғи, пародонт ва тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари ўртасидаги боғлиқлик аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ушбу тадқиқотнинг аҳамияти оғиз бўшлиғининг ҳолатини баҳолашнинг мураккаб усуллари шакллантиришдан иборат бўлиб, бу асосий тиш касалликларини ташхислаш даволаш ва олдини олиш жараёнларини аниқлигини сезиларли даражада оширган ва уларга индивидуал ёндашиш учун асос бўлиб хизмат қилган;

олинган тадқиқот натижалари стоматология амалиётининг тиббий самарадорлигини ошириш имкониятига эга;

тадқиқотнинг асосий мақсади, ишлаб чиқариш соҳа вакиллари учун стоматологик ёрдамни яхшилаш ва даволашнинг муайян касалликга йўналтирилган усуллари амалга ошириш учун кенг тарқалган стоматологик касалликларнинг тарқалишини ва гипс саноатида ишлайдиган ишчиларнинг турмуш даражасини баҳолашдан иборат;

тишларни парвариш қилиш сифатининг параметрлари аниқлаш баҳоланган, бу эса беморларни ҳаётдаги қулайлик даражасини ҳисобга олган ҳолда даволаш самарадорлигини баҳолашга имкон берган;

олиб борилган ишларнинг натижаси гипс саноати соҳасида ишловчи ишчилар пародонт ва оғиз бўшлиғи касалликлари билан касалланганда уларни реабилитация қилиш, ташхислаш ва даволаш учун асос бўлиб хизмат қилади;

Таклиф этилган усуллар стоматологик даволашларнинг эффективлигини оширади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Олинган натижаларнинг ишончилиги замонавий усул ва ёндашувлардан фойдаланиш, натижаларнинг назарий маълумотларга мувофиқлиги, текширувларнинг аниқлиги, беморларнинг етарли сони, тиббий-статистик материаллардан фойдаланиш, шунингдек уларни халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар маълумотлари билан таққослаш ва натижаларни тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқлаш илмий тадқиқотлар сифатини баҳолашнинг муҳим мезонлари билан изоҳланади. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, турли хил усул ва ёндашувлардан фойдаланиш, шунингдек натижаларни бошқа тадқиқотлар маълумотлари билан таққослаш хулосаларни тўлиқроқ тушуниш ва такомиллаштиришга имкон берди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари мавжуд билимларни кенгайтиради ва стоматология соҳасида янги маълумотларни тақдим этади, айниқса гипс ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларида стоматологик муаммоларни даволаш ва олдини олиш нуқтаи назаридан, бу касаллик механизмлари, турли хил даволаш усуллариининг самарадорлиги тўғрисида тушунчаларни оширишга ёрдам беради ва ушбу соҳадаги ишчиларнинг тиш соғлиғини яхшилашга янги ёндашувларни таклиф этади.

Тадқиқот мавжуд илмий билимлардаги бўшлиқларни тўлдиришда муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот натижалари бошқа тадқиқотчилар томонидан стоматология соҳасини янада тадқиқ қилиш ва ривожлантириш учун ишлатилиши мумкин бўлган янги маълумотлар, фаразларни тақдим этади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2024 йил 24 августдаги №05/31 – сон хулосасига кўра:

*биринчи илмий янгилик:* гипс заводи ишчиларининг физик ва кимёвий ишлаб чиқариш омиллари таъсирида тиш касалликларининг нормал меҳнат шароитида ишлайдиган ишчиларга нисбатан ўзига хос хусусиятлари асослаб берилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* олиб борилган тадқиқотлар натижасида гипс заводи ишчиларининг иш давомийлигига қараб гуруҳларга бўлиб иш фаолияти ошиши билан барча стоматологик касалликларнинг авж олиши аниқланган. Стоматологик касалликлар орасида айниқса пародонт касалликларининг барча турлари юқори даражада бўлиш ва бунга завод муҳитидага хафли омилларнинг таъсири исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (22.07.2024 й. № 02/415.; 23.07.2024 й.; № 02/421), Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (20.07.2024 й.; № 50) ҳамда Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (22.07.2024 й.; №128/1), (22.07.2024 й.; № 128/3),(22.07.2024 й.; № 128/4) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* гипс заводи ишчиларининг физик ва кимёвий ишлаб чиқариш омиллари таъсирида тиш касалликларининг нормал меҳнат шароитида ишлайдиган ишчиларга нисбатан ўзига хос хусусиятлари

асослаб берилганини инобатга олиниши, беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилайти. *Иқтисодий самарадорлиги:* гипс заводи ишчиларининг физик ва кимёвий ишлаб чиқариш омиллари таъсирида тиш касалликларининг нормал меҳнат шароитида ишлайдиган ишчиларга нисбатан ўзига хос хусусиятлари асослаб берилганини инобатга олиниши даволашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш, касаллик асоратларини олдини олишга ҳамда беморларни сарфланадиган харажатларини 924 000 сўмга камайтиришга эришилган. *Хулоса:* гипс заводи ишчиларининг физик ва кимёвий ишлаб чиқариш омиллари таъсирида тиш касалликларининг нормал меҳнат шароитида ишлайдиган ишчиларга нисбатан ўзига хос хусусиятлари асослаб берилганини инобатга олиниши бюджет маблағларни 924 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*иккинчи илмий янгилик:* гипс заводи ишчиларида пародонтал касалликлар, тиш қаттиқ тўқимаси ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликларининг тарқалиши ва интенсивлигининг юқори даражалари исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* пародонт касалликлари, тиш қаттиқ тўқималари ва оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг тарқалиши ва интенсивлигининг юқори даражалари исботлан бўлиб, кузатилиши мумкин асоратларни олдини олиш имконини беради. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* : олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (22.07.2024 й. № 02/415.; 23.07.2024 й.; № 02/421), Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (20.07.2024 й.; № 50) ҳамда Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (22.07.2024 й.; №128/1), (22.07.2024 й.; № 128/3),(22.07.2024 й.; № 128/4) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* пародонт касалликлар, тиш қаттиқ тўқималари ва оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг тарқалиши ва интенсивлигининг юқори даражалари исботланиб танланган асосий ва кўшимча гигиеник воситалари ва терапевтик даволашнинг тавсия этилган техникаси беморларнинг тезроқ тузалишига, поликлиникага қатнаш кунларини қисқартиришга ва шу билан беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* пародонт касалликлар, қаттиқ тиш тўқималари ва оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг тарқалиши ва интенсивлигининг юқори даражалари исботланлиги ҳисобига 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 180 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

*Хулоса:* пародонт касалликлар, тиш қаттиқ тўқималари ва оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг тарқалиши ва интенсивлигининг юқори даражалари исботланлиги ҳисобига 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 180 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*учинчи илмий янгилик:* саноат ишчилари учун стоматологик парваришнинг муҳимлиги ва ўзига хослиги Бухоро вилоятидаги гипс заводи мисолида исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* соғлиқни сақлаш тизимида тиббий ёрдам кўрсатилаётган саноат ходимларига стоматологик ёрдам кўрсатиш зарурати ва даражаси Бухоро вилоятидаги гипс заводи мисолида исботланиб, стоматология хизматини ислоҳ қилиш тамойиллари ва шартлари, айниқса, стоматологик даволашнинг барча шаклларига юқори

эхтиёждан келиб чиқиб, ишчиларга стоматологик ёрдам кўрсатишда устуворлик, сифатли ва профилактик эътиборини ошириш мақсадга мувофиқлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (22.07.2024 й. № 02/415.; 23.07.2024 й.; № 02/421), Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (20.07.2024 й.; № 50) ҳамда Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (22.07.2024 й.; №128/1), (22.07.2024 й.; № 128/3),(22.07.2024 й.; № 128/4) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* тиш нокариоз касалликлари шакллари эрта аниқлаб уларга малакали терапевтик даво ва ортопедик конструкцияларни танлашни даво алгоритмига киритиш, даволашнинг тавсия этилган техникаси беморларнинг тезроқ тузалишига, поликлиникага қатнаш кунларини қисқартиришга ва шу билан беморлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* тиш нокариоз касалликлари шакллари эрта аниқлаб уларга малакали терапевтик даво ва ортопедик конструкцияларни танлашни даво алгоритмига киритиш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 180 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 125 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради. *Хулоса:* терапевтик даво ва ортопедик конструкцияларни танлашни даво алгоритмига киритиш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 180 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 125 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради;

*тўртинчи илмий янгилик:* стоматология хизматини гипс заводи ишчиларида татбиқ қилиш, унинг зарурати, сифати ва профилактика йўналишини такомиллаштириш айниқса пародонт касалликларини даволашда таҳлил қилинган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* сифатли стоматологик хизматларни жорий қилиш орқали касалликларни эрта аниқлаб ва профилактик тадбирлар амалга оширилиб беморларда жисмоний ва рухий ҳолатнинг яхшиланишига эришилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (22.07.2024 й. № 02/415.; 23.07.2024 й.; № 02/421), Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (20.07.2024 й.; № 50) ҳамда Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (22.07.2024 й.; №128/1), (22.07.2024 й.; № 128/3),(22.07.2024 й.; № 128/4) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* олиб брилган сифатли стоматологик хизматлар оғиз бўшлиғи касалликларини, айниқса пародонт касалликларини эрта аниқлаб ва профилактика тадбирларини амалга ошириш орқали беморларда жисмоний ва рухий ҳолатнинг яхшиланишига эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* пародонт касалликлар, қаттиқ тиш тўқималари ва оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг тарқалиши ва интенсивлигининг юқори даражалари исботланлиги ҳисобига 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 180 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* пародонт касалликлар, тиш қаттиқ тўқималари ва оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг тарқалиши ва

интенсивлигининг юқори даражалари исботланлиги ҳисобига 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 180 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*бешинчи илмий янгилик:* гипс заводи ишчилари учун махсус даволаш ва профилактика комплекс дастур ишлаб чиқилган.*Илмий янгиликнинг аҳамияти:* эндодонтия ва физиотерапия усулини уйғунликда қўллаб умумий амалиёт амбулатор стоматолог қабули шароитида кариес ва пульпит касалликларини барча шаклларини консерватив эндодонтик даволаш самарадорлигини оширишга эришилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (22.07.2024 й. № 02/415.; 23.07.2024 й.; № 02/421), Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (20.07.2024 й.; № 50) ҳамда Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (22.07.2024 й.; №128/1), (22.07.2024 й.; № 128/3), (22.07.2024 й.; № 128/4) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* эндодонтия ва физиотерапия усулини уйғунликда қўллаб умумий амалиёт амбулатор стоматолог қабули шароитида кариес ва пульпит касалликларини барча шаклларини консерватив эндодонтик даволаш самарадорлигини оширишга эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* эндодонтия ва физиотерапия усулини уйғунликда қўллаб умумий амалиёт амбулатор стоматолог қабули шароитида кариес ва пульпит касалликларини барча шаклларини консерватив эндодонтик даволаш самарадорлигини ошириш ҳисобига 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 924 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 240 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* Бухоро вилоятида жойлашган гипс заводи ишчилари учун махсус даволаш ва профилактика стратегиялари ишлаб чиқилган бўлиб, янги ташхислаш ва даволаш амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 924 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 240 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

*олтинчи илмий янгилик:* санитария-эпидемиология хизмати томонидан аниқланган зарарли кимёвий омилларнинг гипс заводи ишчилари оғиз бўшлиғи, пародонт ва тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари ўртасидаги боғлиқлик аниқланган.*Илмий янгиликнинг аҳамияти:* зарарли кимёвий омиллар таъсирида оғиз бўшлиғи, пародонтит ва тишларнинг қаттиқ тўқималари касалликлари ўртасидаги боғлиқлик биринчи марта исботланиб барча шаклларини консерватив эндодонтик даволаш самарадорлигини оширишга эришилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (22.07.2024 й. № 02/415.; 23.07.2024 й.; № 02/421), Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (20.07.2024 й.; № 50) ҳамда Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (22.07.2024 й.; №128/1), (22.07.2024 й.; № 128/3), (22.07.2024 й.; № 128/4) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* бир вақтнинг ўзида зарарли кимёвий омиллар таъсирида оғиз бўшлиғи, пародонтит ва тишларнинг қаттиқ тўқималари касалликлари ўртасидаги боғлиқлик биринчи марта исботланиши консерватив эндодонтик даволаш самарадорлигини оширишга имкон берган.

*Иқтисодий самарадорлиги:* бир вақтнинг ўзида зарарли кимёвий омиллар таъсирида оғиз бўшлиғи, пародонтит ва тишларнинг қаттиқ тўқималари касалликлари ўртасидаги боғлиқлик биринчи марта исботланиши ҳисобига 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 924 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 240 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* ўзида зарарли кимёвий омиллар таъсирида оғиз бўшлиғи, пародонтит ва тишларнинг қаттиқ тўқималари касалликлари ўртасидаги боғлиқлик биринчи марта исботланиши ҳисобига 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 924 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 240 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7та илмий анжуманларда, жумладан 4та халқаро ва 3 та маҳаллий илмий-амалий анжуман ва симпозиумларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда ҳамда 8 та тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 206 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Саноат ва ишлаб чиқаришнинг зарарли омилларида ишловчи ишчиларда стоматологик касалликлар ҳақидаги адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг соҳага оид адабиётлар таҳлили асосида хавф омили юқори бўлган саноат соҳасида ишловчи ишчиларда стоматологик касалликлар этиологияси ва патогенезининг ўзига хос жиҳатлари, гипс ишлаб чиқариш корхоналари ишчилари орасида стоматологик касалликларни олдини олиш ва даволаш усулларини оптималлаштириш, касалликлар ривожланишининг этиологик ва патогенетик омиллари, стоматологик касалликларнинг клиник белгилари ва ривожланиш механизмлари, гипс ишлаб чиқариш корхоналари ишчилари орасида оғиз бўшлиғи микрофлорасини баҳолаш усуллари, гипс ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларида стоматологик касалликларнинг ўзига хос кечиши ва даволашдаги замонавий

ёндашувлар тўғрисида олиб борилган замонавий тадқиқотларнинг чуқур таҳлили ўтказилган шарҳлар келтирилган.

Диссертациянинг «Гипс ишлаб чиқариш корхоналари ишчилари стоматологик касалликлар кечишида тадқиқотнинг материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида гипс ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларидаги тиш касалликларининг тавсифи ва тадқиқот усуллари келтирилган.

457 ишчи кенг қамровли стоматологик текширувдан ўтказилди.

Ишчилар орасида бир нечта йўлдош касалликлар аниқланди ва асосий касаллик фонида гормон терапиясини олган ишчилар тадқиқотдан четлаштирилди (1-расм).



**1-расм. Гипс ишлаб чиқариш ишчиларида учраган йўлдош касалликлар.**

Улардан тадқиқот мақсадида гипс заводида ишлайдиган ва стоматологик даволанишга муҳтож бўлган турли цехларнинг 200 нафар ишчиси танланган. Иштирокчиларнинг ёши 18 ёшдан 59 ёшгача бўлган, бу Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) таснифи бўйича биринчи иккита ёш тоифасига тўғри келади. Назорат гуруҳида 18 дан 44 ёшгача (49,4%) бўлган 42 киши ва 45 ёшдан 59 ёшгача (50,6%) 43 нафар ишчидан иборат (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Тадқиқот иштирокчиларининг ёш гуруҳлари ва жинси бўйича тақсимланиши ва статистик таҳлили**

Ёш	1 гр- Тайёр маҳсулотлар омбори (n=61)		2 гр-Қайнатиш цехи (n=77)		3 гр- Куйдириш цехи (n=62)		Назорат гуруҳи (n=85)	
	Эркак	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак	Аёл

	Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%	Абс	%		
18-44	22	36,1	2	3,3	27	35,1	3	3,9	20	32,3	5	8,1	20	23,5	22	25,9
Ўрт. кий	19,4±1,2		20,3±1,1		19,4±1,2		20,3±1,1		19,4±1,3		20,3±1,2		19,4±1,3		20,3±1,2	
Р	X <sup>2</sup> =00,17; P=0.910				X <sup>2</sup> =00,17; P=0.910				X <sup>2</sup> =00,17; P=0.911				X <sup>2</sup> =00,17; P=0.911			
45-59	33	54,1	4	6,6	42	54,5	5	6,5	30	48,4	7	11,3	23	27,1	20	23,5
Ўрт. кий	31,8±2,1		33,1±0,9		31,8±2,1		33,1±0,9		31,8±2,2		33,1±0,10		31,8±2,2		33,1±0,10	
Р	X <sup>2</sup> =00,18; P=0.841				X <sup>2</sup> =00,18; P=0.841				X <sup>2</sup> =00,18; P=0.842				X <sup>2</sup> =00,18; P=0.842			
Жами	55	90,20	6	9,90	69	89,60	8	10,40	50	80,70	12	19,40	43	50,60	42	49,40

Гипс ишлаб чиқариш иш жойларида ҳавонинг ифлосланиш даражасини ўрганиш учун чанг ва захарли газ мониторинги учун замонавий ускуналар – Dräger X-am 5000 газ анализатори ва Аспиратор модель 822 танланди.

Тиш касалликлари ташхиси белгиланган методологияга мувофиқ амалга оширилган. Ўрганилган барча гуруҳларда деструктив-яллиғланиш жараёнлари аниқланди, тиббий - ижтимоий, психологик, клиник-стоматологик, клиник-функционал, махсус ускуналар ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказилди.

Тадқиқотнинг мақсади ва диссертация ишининг вазифаларига мувофиқ, тадқиқотда иштирок этган барча беморлар анамнез, оғиз бўшлиғи ва пародонт тўқималарнинг клиник ва рентгенологик ҳолатини, шунингдек пародонт чўнтаклар микрофлорасининг сифат ва миқдорий таркибини ўрганишни ўз ичига олган кенг қамровли текширувдан ўтказилган.

Оғиз бўшлиғини текширишда оғиз шиллик қаватининг ҳолати, унинг ранги ва намлиги баҳоланди. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватида (ОБШҚ) патологик ўзгаришлар аниқланди, тишларни текширишда кариес, пломбаланган ва олиб ташланган тишлар, шиналар, олинадиган ва олинмайдиган ортопедик тузилмалар мавжудлиги қайд этилди ҳамда пародонт тўқималарнинг ҳолати индекси баҳоланди. Тишларнинг нокариоз касалликларига ҳам эътибор қаратилди: эрозия, понасимон нуқсонлар, тишларнинг патологик едирилишлари ҳисобга олинган.

Бактериологик усул гипс заводи ишчиларида оғиз бўшлиғидаги микроби пейзажи аниқланди. Унда оғиз суюқлиги ва пародонт чўнтаклар таркибидаги микроб пейзажи ўрганиб чиқилди.

Тадқиқот гуруҳларида тиш муаммоларини даволашдан ташқари, бир вақтнинг ўзида оғиз гигиенаси даражаси индексини, РМА индексини, КПУ индексини, шунингдек ОБШҚ касалликларини камайтириш ва яллиғланишни камайтириш бўйича даволаш ва профилактика чоралари таклиф қилинди.

Таъсир қилинган ҳудудга маҳаллий таъсир кўрсатиш учун 5% концентрацияли "Мексиприм" эритмаси ишлатилган. Бундан ташқари, "Ликопид" препарати иммунитет тизимини тартибга солиш учун ишлатилган. Овқатдан 30 дақиқа олдин, 2 ҳафта давомида кунига уч марта 10 мг сублингвал қабул қилинди. Оғиз бўшлиғида эркин радикал оксидланиш

даражасини тартибга солиш учун антиоксидант таъсирга эга бўлган махсус тиш пасталаридан фойдаланиш тавсия этилди. Бундай пасталар орасида "Mexidol dent", "Blend-a-med blendax асалари балзами", "Silca complete Vitamin", "32 комплекс" кабилар тавсия қилинган.

Иштирокчилар цехлар бўйича учта асосий гуруҳга бўлинган: тайёр маҳсулотлар омбори, қайнатиш цехи ва куйдириш цехи . Ҳар бир гуруҳ учун даволаш турига (стандарт ёки мураккаб) қараб кичик гуруҳларга бўлинди (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**Ишчилар ишлаш жойига кўра ва даволаниш турига қараб тақсимланиши.**

Гуруҳ	Жами кузатилаган	% умум.сондан	Терапия тури	Иштирокчиларони с	% гур.хи соб	% ум.сондан
<b>Тайёр маҳсулотлар омбори</b>	61	30,5%	Стандарт	31	50,8%	15,5%
			Комплекс	30	49,2%	15,0%
<b>Қайнатиш цехи</b>	77	38,5%	Стандарт	42	54,5%	21,0%
			Комплекс	35	45,5%	17,5%
<b>Куйдириш цехи</b>	62	31%	Стандарт	30	48,4%	15,0%
			Комплекс	32	51,6%	16,0%


Олинган тадқиқот натижалари тарқатиш статистикаси усули ёрдамида таҳлил қилинди. Бундан ташқари, тиббий-биологик тадқиқотлар учун мўлжалланган махсус дастур тўплами қўлланилган.

Маълумотлар махсус жадвалларга ёзилди, бу жараёнда Microsoft Office Excel 2010 дастури ишлатилди, шунингдек, Windows XP 7 операцион тизимида Stat Soft Statistica v6.0 статистика дастурий таъминоти ҳам ишлатилди. Ушбу дастурий воситалар графиклар ва диаграммалар яратиш учун ҳам қўлланиб, илмий тадқиқот давомида олинган статистик маълумотлар ўртасидаги ўзгаришлар ва ўзаро боғланишларни кузатиб бориш имконини берган.

Статистик маълумотларни қайта ишлашда маълумотларнинг тақсимоли бўйича аниқ фаразларни талаб қилмайдиган усуллар, масалан, Манн-Уитни тести ва Пирсон критерийси ёрдамида корреляцион таҳлил қўлланилди. Олинган натижалар медиана сифатида тақдим этилди, ўртача қийматлар орасидаги фарқлар эса Студент критерийси ёрдамида баҳоланди. Маълумотларни таҳлил қилиш жараёни далилга асосланган тиббиёт тамойилларига мувофиқ амалга оширилди, бу эса янада объектив ва ишончли хулосалар олишга хизмат қилди.

Диссертациянинг учинчи бобида «Гипс ишлаб чиқарувчи корхоналар ишчиларида оғиз бўшлиғининг тўқималаридаги деструктив-яллиғланиш жараёнларини таҳлил қилиш» мавзуси бўйича клиник-анамнестик таҳлил натижалари келтирилган.

Ишчилар стоматологик ҳолати, уларнинг шикоятини баҳолашдан бошланган. Натижалар аниқлигини таъминлаш мақсадида асосий ва назорат гуруҳлари кўрсаткичлари таққосланган (2-расм).




*Изоҳ: абсолют кўрсаткичлар суратда, нисбатий (%) параметрлар эса махражда келтирилган*

## 2-расм. Асосий ва назорат гуруҳларида стоматологик касалликлар симптомлари учраш даражасининг таққослаш натижалари.

Амалда, индекс MOS SF-36 нинг барча компонентлари тадқиқ қилинган ишчиларнинг энг зарарли меҳнат шароитидаги гуруҳларда ёмонлашган. Физиологик функция (ФФ) кўрсаткичини таҳлил қиладиган бўлсак, меҳнат шароитларининг зарарлиги ошган сари ушбу кўрсаткичнинг камайиши кузатилади. Тайёр маҳсулотлар омборидаги ишчилар гуруҳида ушбу кўрсаткич  $89,5 \pm 1,5$  баллни ташкил этган, куйдириш цехида эса бу кўрсаткич  $76,8 \pm 1,9$  баллга пасайган ( $p < 0,05$ ) (3- расм).


“Ҳаётий фаоллик” кўрсаткичини таҳлил қилганимизда, тайёр маҳсулотлар омборида ишлаётган ишчилар билан куйдириш цехида ишлаётганлар ўртасида сезиларли фарқлар борлиги аниқланган. Биринчи гуруҳда ушбу кўрсаткич ўртача  $84,5 \pm 1,6$  баллни ташкил этган, иккинчи гуруҳда —  $72,6 \pm 2,3$  балл, учинчи гуруҳда эса —  $64,2 \pm 2,8$  балл натижани кўрсатди. Бу маълумотлар зарарли меҳнат шароитида ишловчи ишчилар орасида юқори чарчоқ ва фаолликнинг камайишини кўрсатади. Шунингдек, куйдириш цехида ижтимоий фаолият (ИФ) даражасининг сезиларли даражада камайиши кузатилган.



**3-расм. Ишчилар ҳаёт сифатини иш жойи муҳитининг зарарланиши MOS SF-36 сўрономасини асосида ўзгариши.**

Стоматологик саломатликнинг ҳаёт сифати (ҲС) га таъсирини баҳолаш учун ОНIP 14 индексдан фойдаланилади, бу индекс функцияларнинг чекланиши, оғриқ сезгиси, психологик безовталиқ, шунингдек, физик, психологик ва ижтимоий фаолитга лаёқатсизлигини баҳолайди.

MOS SF-36 ва ОНIP-14 анкеталари асосида олиб борилган тадқиқот, зарарли омилларнинг узок муддатли таъсири ва пародонт тўқималарининг жиддий зарарланиши гипс ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлайдиган ишчиларнинг ҳаёт сифатига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатишини тасдиқлайди (4-расм).




**4-расм. Турли цехлар ишчиларининг ОНIP-14 индекси бўйича ҳаёт сифатини баҳолаши.**

ОHI-S индекси кўрсаткичларини таҳлил қилиш, асосий гуруҳ ишчиларининг оғиз бўшлиғи гигиенаси даражаси назорат гуруҳи ишчиларига нисбатан қониқарсизлиги юқори эканини кўрсатган (3-жадвал).

## Тадқиқот гуруҳларида ОНІ-S клиник кўрсаткичлари (даволашдан олдин).

Гуруҳлар	Ўртача индекс ОНІ-S (M)	Медиана индекса ОНІ-S (m)	Стандарт оғиш	Тиш караш	Тиш тоши	P<
I Гуруҳ (Тайёр махсулотлар омбори) (n=61)	1,6±0,05	1,4	0,05	0,93±0,07	1,08±0,02	0,05
II Гуруҳ (Қайнатиш цехи) (n=77)	1,8±0,06	1,78	0,06	1,2±0,06	1,3±0,02	0,05
III Гуруҳ (Куйдириш цехи) (n=62)	2,3±0,08	1,58	0,08	2,1±0,09	2,4±0,08	0,05
Назорат гуруҳи (n=85)	1,4±0,02	1,3	0,02	0,91±0,05	1,04±0,02	0,05

Йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, куйдириш цехи ишчилари (Гуруҳ III) тишлардаги карашлар даражаси энг юқори эканини, назорат гуруҳи эса оғиз бўшлиғи гигиенаси бўйича энг яхши натижаларни кўрсатганини аниқланган.




## 5-расм. Кариес интенсивлиги ўртача кўрсаткичлари (КПУ индекси).

Стоматологик текширув ва кузатувлар натижалари, тадқиқ этилган барча клиник гуруҳларда тиш кариеси частотаси ва жиддийлигининг юқори эканини кўрсатди.

Барча гуруҳларнинг (200 киши) маълумотларини умумлаштирар эканмиз, кариеснинг умумий тарқалиш даражаси  $80,1 \pm 2,82\%$  ва ўртача КПУ  $3,01 \pm 0,28$  (К - 2,67; П - 0,27; У - 0,07) эканини таъкидлаш мумкин. Натижалар ишчилар орасида тиш билан боғлиқ муаммоларнинг юқори даражада

тарқалишини кўрсатди бу эса профилактика ва даволаш чораларини аниқ тартибда ўтказишнинг заруриятини белгилайди (5-расм).

Хавфли саноат омиллари шароитида ишлаган ишчиларда ўтказилган турли хил стоматологик текширувлар таҳлиллари натижаси тиш қаттиқ тўқимаси нокариоз касалликларининг кўплиги аниқланган (6-расм).




**6-расм. Хавфли зарарли омиллар шароитида ишловчи ишчилар тишларнинг патологик едирилиш даражаси ва нокариоз касалликлар даражаси.**

Олиб борилган тадқиқот, хавфли зарарли омиллар зарарлилиги даражаси ва пародонт тўқималарида яллиғланишнинг аниқланиши орасидаги ўзаро боғланишни аниқлади.

Маълумотларни таҳлил қилишда, зарарлилик даражаси паст бўлган ишчиларда (тайёр маҳсулотлар омбори, I гуруҳ) енгил яллиғланиш даражаси  $47,1 \pm 0,05\%$  ташкил этгани аниқланди. Ўртача зарарли шароитда (қайнатиш цехи, II гуруҳ) бу кўрсаткич  $24,1 \pm 0,40\%$  га камайди, юқори зарарли шароитда (куйдириш цехи, III гуруҳ) эса барча жамоа фаолияти  $2,7 \pm 0,02\%$  гача камайган. Бу натижалар иш шароити зарарлилиги ошгани билан пародонт тўқималарида яллиғланиш даражасининг камайишидан далолат беради.

Тайёр маҳсулотлар омборида, меҳнат шароити нисбатан енгил зарарли омилларга эга бўлиб, соғлом секстантлар  $5,2 \pm 0,22\%$  фоизни ташкил этган. Қайнатиш цехида, иш шароити ўрта даражада зарарли ҳисобланади, бу кўрсаткич  $4,3 \pm 0,35\%$  фоизни ташкил этди. Куйдириш цехидаги энг зарарли омиллар таъсирида, ишчилар орасида соғлом тишлар фоизи  $3,6 \pm 0,27\%$  бўлган (7-расм).




**7-расм. Гурухлараро соғлом секстанлар CPITN индекси бўйича даражаси.**

РМА индекси биринчи текширувда, даволашдан олдин, куйидаги натижалар олинди: биринчи гуруҳ -  $39,01 \pm 8,29$  ни, иккинчи гуруҳ -  $34,21 \pm 3,18$  ни ва учинчи гуруҳ -  $30,01 \pm 4,29$  натижани, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич  $40,21 \pm 3,17$  ни ташкил этган.

Олиб борилган тадқиқот доирасида, турли ишлаб чиқариш цехлари ишчиларида 4 дан 5 мм гача бўлган пародонтал чўнтаклар мавжудлиги частотаси таҳлил қилинди.

Ишчилар орасида ОБШҚ касалликлари юқори даражада аниқланган. Касаллик асосий гуруҳ ишчилари орасида  $95,5 \pm 3,2\%$  ва назорат гуруҳи ишчиларида  $33,8 \pm 2,4\%$  ни ташкил этган (8-расм).



**8-расм. Гурухлари орасида ОБШҚ касалликлар учраш даражаси.**

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Тадқиқот қилинган гуруҳларда микробиологик ва биокимёвий тадқиқотлар натижалари» деб

номланади. 200 беморнинг оғиз микробиоценозини ҳолати тадқиқ қилинди. Ушбу тадқиқот натижасида 15 турдаги ва 26 кўринишдаги 3290 микроорганизм ажратилган.

Сурункали гингивит билан оғриган беморларда шартли патоген микрофлора сонининг ошиши кузатилди, шунингдек *Candida* (*C. albicans*) ачитувчи замбуруғлар 61,44% ҳолларда  $10^5$  КОЕ/мл микдориди аниқланган. Факультатив аэроблар барча штаммлар орасида ўртача  $82,5 \pm 6,4\%$  ни ташкил этган.

Микробиологик маълумотларни ўрганиш, оғиз бўшлиғида доимий микрофлоранинг, масалан, аэроблар ва факультатив анаэробларнинг устунлик қилишини кўрсатган (4-жадвал).

4-жадвал.

#### Оғиз суюқлигидаги турли бактериялар микробиологик таҳлили.

Бактерия тури	1 Гурух (n=61)	2 Гурух (n=77)	3 Гурух (n=62)	Назорат гурухи (n=85)
<i>Staphylococcus aureus</i>	19.0±6.2	21.3±6.2	26.6±7.7	18.3±3.7
<i>Staphylococcus epidermidis</i>	30.6±9.1	34.0±9.1	42.5±11.4	20.1±12.03
<i>Staphylococcus haemolyticus</i>	53.7±4.2	59.8±4.2	74.7±5.3	30.3±9.1
<i>Streptococcus mutans</i>	25.5±5.1	28.4±5.1	35.5±6.3	15.8±7.7
<i>Streptococcus oralis</i>	32.1±1.3	35.7±1.3	44.65±1.6	24.8±7.2
<i>Streptococcus mitis</i>	32.8±3.0	36.5±3.0	45.6±3.7	18.8±9.1
<i>Streptococcus salivarius</i>	29.2±6.0	32.4±6.0	40.5±7.5	24.9±10.6
<i>Streptococcus mitior</i>	19.6±1.3	21.8±1.3	27.3±1.6	14.8±5.7
<i>Streptococcus sanguis</i>	59.4±3.8	66.0±3.8	82.5±4.8	36.1±13.9

Изох. Асосий гурух ишчилари иш шароити зарарли омиллар даражасига қараб биологик ўзгарувчанликни ва бактериялар ҳолатининг ўзгарувчанлик даражасини баҳолаш имконини беради.

Гипс ишлаб чиқариш корхонасидаги ишчилар орасида олиб борилган қон биокимёвий таҳлили қуйидаги натижаларни кўрсатган (5-жадвал).

5-жадвал.

#### Гурухларнинг қон биокимёвий параметрлари бўйича ўртача кўрсаткичлар.


Кўрсаткичлар	1 Гурух (n=61)	2 Гурух (n=77)	3 Гурух (n=62)	Назорат гурухи (n=85)
Кальций, ммоль/л	1,9±0,19	3,4±0,009*	5,3±0,12*	1,5±0,012*
Фосфор, ммоль/л	6,1±0,09	14,5±0,48*	17,1±1,06*	3,1±0,03*
Глюкоза, ммоль/л	0,2±0,02	1,9±0,137*	2,5±0,12*	0,04±0,004*
Умумий оксил, г/л	6,5±0,09	13,3±2,64*	7,0±1,498	13,0±1,1*
Ишқорли фосфатаза, Е/л	21,4±1,23	36,1±1,56*	40,3±0,898*	107,3±1,18*
ЛДГ, Е/л	328,0±7,34	404,3±19,34*	330,3±25,03	803,3±46,92*
Лактат, ммоль/л	0,28±0,022	1,82±0,16*	3,3±0,04*	8,38±0,21*
α-амилаза, Е/л	30,5±0,19	33,4±2,16	26,1±0,49*	30,6±0,98
рН	7,2±0,3	7,5±0,2	7,3±1,6	7,0±0,1

Хемилюминесценция (ХЛ) оғиз суюқлигини тадқиқ қилиш, кўрсаткичларда муҳим ўзгаришларни аниқлади, лекин улар пародонт тўқималари ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати (ОБШҚ) ҳолати билан узвий боғлиқ бўлган.

Диссертациянинг бешинчи боби «**Асосий стоматологик касалликларда олиб борилган даволаш ва профилактика чораларининг самарадорлиги**» деб номланган ушбу бобда гипс ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатувчи ишчилар орасида пародонт тўқимасида кечувчи ўртача оғирликдаги ва юқори даражали десруктив-яллиғланиш жараёнлар билан оғриган беморларнинг даволаш динамикаси натижалари берилган.

Барча гуруҳлар оғирлигига қараб йилда 2-4 мартаба даволаш ва профилактика чораларини ўтказдилар. Даволаш натижаларини баҳолаш 3, 6, 12 ва 24 ойдан сўнг амалга оширилган.

Оғиз бўшлиғини санація қилиш жараёнида, тўқималардаги травматик омиллар, жумладан, тиш қирралари силлиқланди, мос келмайдиган пломбалар ва протезлар тўғриланди. Натижалар оғиз бўшлиғи ҳолати ва гипс ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг умумий ҳаёт сифатида сезиларли яхшиланишни кўрсатади. Комплекс терапия стандарт терапияга нисбатан юқори самарадорлик кўрсатди, бу эса бу каби иш шароитларида уни кенг миқёсда қўллаш зарурлигини тасдиқлаган (9-расм).



**9-расм. Биринчи клиник гуруҳнинг 3 ойдан кейинги даволаш самарадорлиги**

Уч йил давомида гипс заводи ишчилари доимий кузатиш остида бўлиб, барча стоматологик касалликлар оғирлик даражаси ва турига мос келувчи давола тури танлаган. Даволаш ва профилактика чора-тадбирлари доимий текширишлар, профессионал оғиз гигиенасини амалга ошириш, шунингдек, стандарт ва комплекс даволанишлар турли терапевтик ёндашувларни ўз ичига олди (6-жадвал).

Даволаш ва профилактика натижаларини таҳлил қилиш натижасига кўра, биринчи клиник гуруҳдаги ишчиларда ўзгаришлар дастур бошланганидан уч ой ўтиб намоён бўлди, бу  $10,2 \pm 1,8\%$  беморларда ижобий натижалар намоён бўлди.

Уч ойдан сўнг стандарт терапия билан қайнатиш цеҳида (n=42)

